

## ТЕЗИСЛАРНИ ЁЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ

*Насиров Илхам Закирович**Техника фанлари номзоди, доцент.**Валиева Муфаззалхон Казимжановна - талаба.**Андижон машинасозлик институти,**[nosirov-ilhom59@mail.ru](mailto:nosirov-ilhom59@mail.ru).*

**Аннотация.** Мақолада тезисларнинг таърифи, тавсифи, мақсади, турлари ёритилган. Тезисларини ёзиш ва расмийлаштириш бўйича тавсиялар берилган. Идеал ҳолда, илмий раҳбар тезиснинг тўғри ёзилиши ва расмийлаштирилишига ёрдам бериши керак.. Агар ушбу идеал ҳолат бўлмаса- талаба анжуманнинг ташкилий қўмитасига мурожаат қилиши мумкин. Лекин бунда тезисларнинг хато ва камчиликлари бўлса-қўмитадагилар тезисларни қабул қилмасликлари ва конференцияда маъруза билан чиқишга рухсат бермасликлари мумкин.

**Калит сўзлар:** Тезис, илмий иш, мақсад, илмий анжуман, тезис ёзиш, расмийлаштириш, илмий раҳбар, анжумандаги маъруза, сарлавҳа.

**ПРАВИЛА НАПИСАНИЯ И ОФОРМЛЕНИЯ ТЕЗИСОВ***Насиров Ильхам Закирович - кандидат технических наук, доцент.**Валиева Муфаззалхан Казимжановна - студентка.**Андижанский машиностроительный институт,**[nosirov-ilhom59@mail.ru](mailto:nosirov-ilhom59@mail.ru).*

**Аннотация.** В статье описаны определение, классификация, цель и задачи тезисов. Даны рекомендации по написанию и оформлению тезисов. В идеале научный руководитель должен помочь правильно написать и оформить тезисы, если это не так, то студент может обратиться в оргкомитет конференции. Но при наличии в тезисах ошибок и недостатков комиссия может не принять тезисы и не допустить их к выступлению на конференции.

**Ключевые слова:** Тезис, научная работа, цель, научная конференция, написание тезисов, оформление, научный руководитель, лекция на конференции, название.

**RULES FOR WRITING AND FORMING ABSTRACTS***Nasirov Ilham Zakirovich - candidate of technical sciences,  
associate professor.**Valieva Mufazzalkhan Kazimzhanovna - student.**Andijan Machine-Building Institute,**[nosirov-ilhom59@mail.ru](mailto:nosirov-ilhom59@mail.ru).*

**Annotation.** The article describes the definition, classification, purpose and objectives of the theses. Recommendations for writing and formatting abstracts are given. Ideally, the supervisor should help to write and format the abstract correctly, if this is not the case, then the student can contact the organizing committee of the conference. But if there are errors and shortcomings in the abstracts, the commission may not accept the abstracts and prevent them from being presented at the conference.

**Key words:** Thesis, scientific work, goal, scientific conference, writing of abstracts, design, supervisor, lecture at the conference, title.

Талабалар кўпинча турли анжуманларда тақдимот қилишлари керак бўлади. Мазкур тадбирнинг муваффақияти эса кўп жиҳатдан сифатли ва пухта тайёргарликка боғлиқ.

Тезис- ўзаро боғланган ва мантиқий кетма- кет равишда ёзилган, курс ва диплом (иш)лойиҳалари ҳамда бошқа илмий ишлардан олинган бир бутун қилиб йиғилган матнир. Ҳар қандай тезисда далил ва асослар бўлиши керак [1,2].

Оддийроқ қилиб айтганда, тезислар- илмий ишнинг асосий маънолари қисқача шакллантирилиши деб тушунилади.

Тезислар қуйидаги мақсадларда ёзилади:

- тингловчига ихчам ва ишонарли хулосаларни бериш;
- ишнинг мазмунини тезда очиб бериш;
- ишнинг асосий ғоялари ва натижалари билан таништириш.

Умуман олганда, анжуманда маъруза учун тезисларни шакллантириш диссертация ҳимояси учун маъруза ёзишга ўхшайди. Уларнинг умумийлиги мавжуд, масалан ҳажми- 2-3 варақ босма матндан иборат [3,4].

Тезисларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. **Асосий илмий ишнинг муаллифлиги бўйича.** Бундай тезисларни тайёрлаш учун ўз нашрлари ва бошқа муаллифларнинг нашрларидан фойданилади. Бошқа муаллифнинг ишини диққат билан ўрганиш, ундаги асосий ғоя ва моҳиятни таъкидлаш керак. Буларнинг барчаси тезис учун танланган индивидуал қоидаларнинг асосини ташкил қилиши керак. Агар тезисларни ёзиш учун муаллиф ўзининг нашрларидан фойданган бўлса, у масалани чуқур ўрганганлигини кўрсатиши керак [5].

2. **Фойдаланиш жойи бўйича.** Тезисларни тайёрлашдан олдин, улар кейинроқ қаерда тақдим этилишини аниқлаб олиш керак. Масалан, семинарлар учун тайёрланган тезислар- халқаро анжуманлар учун тайёрланган тезислардан фарқ қилади.

3. **Шакли бўйича.** Тезислар тақдимот- маъруза, алоҳида нашрлар, сиртдан тинглаш учун нашрлар сифатида тайёрланиши мумкин. Тезислар қайси шаклда

бўлиши бевосита улардан фойдаланиш жойига боғлиқ (олдинги пунктда). Масалан, сиртки илмий анжуман учун тезислар қисқа, ихчам ва мазмунли бўлгани маъқул— бу уларни анжуман яқунлари бўйича мақолалар тўпламида осон чоп этиш имконини беради. Агар сиртки илмий анжуман учун тезислар шакли сифатида тақдимот- маъруза танласа, унда у чоп этилмайди ва тингловчиларга етиб бормади.

4. **Ёзиш тартиби бўйича.** Иккита вариант мавжуд: асосий илмий ишни бажаришдан олдин ва ундан кейин тезисларни ёзиш. Иккинчи вариант осонроқ: тайёр материалдаги асосий фикрларни тўплаб қўйиш осонроқ. Аммо кўпинча анжуман учун тезислар асосий ишни бажаришдан олдин ёзилади. Бунда талабалар учун қийин бўлади, чунки материал ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва нима ҳақида ёзиш кераклиги ҳақида ҳали фикрлар йўқ. Бундай ҳолда, яхши ўйланган режа асосида тезисларни ёзиш зарур.

5. **Мазмуни бўйича.** Тезислар турли хил маълумотларни ўз ичига олиши мумкин: муаммонинг қўйилиши, янги ечимни топиш усуллари, тадқиқот натижалари ва хоказо.

6. **Мураккаблик даражаси бўйича.** Тезисларнинг мураккаблиги-уларнинг мазмунига боғлиқ: оддийлари ишнинг асосий муаммоларини қўйиб беради, ўртачаси- илмий ишнинг асосий ғоялари ва қоидаларини ёритиб беради, мураккаблари эса ўша оддий ва мураккаб тезисларни ўз ичига олади.

7. **Тақдимот услуби бўйича.** Қисқача илмий тавсифларни ўз ичига олиб, оддий эга- кесимлар ёрдамида ифодаланган тезислар ва бошқа, яъни илмий ютуқларни тасдиқлайдиган тезислар.

Илмий анжуманда иштирок этишнинг ўзи ҳар бир талаба ҳаётидаги муҳим воқеадир. Бу илмий соҳага қўшилган хисса бўлиб, унинг ёрдамида талаба ўзининг ва илмий ишининг энг яхши томонларини кўрсатишига ёрдам беради.

Аммо анжуманга ёмон тайёргарлик кўриш- ҳамма нарсани, том маънода тўхтатиб қўйиши мумкин: илмий ишга қизиқиш билдирилмайди ва маърузачининг ўзига нисбатан салбий муносабат пайдо бўлади.

Агар тезислар устида яхши тайёргарлик кўрилса, унда:

- илмий ишнинг имкониятларини тўлиқ очиб берилади;
- маърузачи ва илмий иш эътибор берилади;
- агар зарур бўлса, молиялаштириш имконияти туғилади;
- маърузачи ўзини янги илмий муаллиф сифатида белгилайди.

Комиссия томонидан тасдиқланган тезислар илмий мақолалар ва анжуманлар тўпламларида мутлақо бепул чоп этилади.

Тезисларини ёзиш ва расмийлаштириш қоидалари тезисларнинг тури ҳамда ишнинг моҳиятига қараб белгиланади. Агар тезисларда муаммони тасвирлаш мақсад қилинган бўлса, бунда у қуйидаги элементларни ўз ичига олади [6,7]:

- мавзунинг долзарблигини кўрсатувчи қисқача кириш;
- ишнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш;
- мавзу бўйича адабиётларни кўриб чиқиш, турли нуқтаи назар ва услубларни таҳлил қилиш;
- мавзу бўйича ўз нуқтаи назарини тақдим этиш;
- муаммонинг келажақда қандай ечилишини башорат қилиш;
- хулосалар, иш якунларини баҳолаш.

Агар тадқиқот натижалари асосида тезислар ёзиладиган бўлса, унда бошқа тузилишга риоя қилиш самаралироқ бўлади:

- кириш қисми, танланган мавзунинг долзарблигини тавсифлаш;
- ишнинг мақсадларини аниқлаш;
- умумий қоидалар ва асосий фаразларни илгари суриш;
- қўлланиладиган усуллар ва услубларни кўрсатиб ўтиш;
- ҳисобот ва маълумотларни тақдим этиш;
- оралик натижа ва таҳлилларнинг хулосаси;
- асосий натижалар билан таништириш;
- якуний таҳлил ва хулосаларни ёритиш.

Мисол тариқасида янги усулни қўллаш ҳақида анжуман учун ёзилган тезислар қуйидагилардан иборат бўлади:

- қисқача кириш, мавжуд услуб ва ундан фойдаланиш соҳаларининг тавсифи;
- янги усулни ишлаб чиқишдан мақсад ва вазифалар;
- маълум усуллар ва адабиётларни таҳлил қилиш;
- янги услуб билан таништириш;
- фойдаланиш соҳаларини белгилаш;
- ижобий ва салбий томонларини санаб ўтиш;
- топшириқлар қай даражада амалга оширилганлигининг натижалари ва уларни баҳолаш;
- янги услубнинг камчиликларини тавсифлаш.

Талабаларга осонроқ бўлиши учун тезис ёзишнинг алгоритми қуйидага бўлади [8,9]:

1. Тезиснинг тури ва тузилишни танлаймиз.
2. Мақсадни қўйиш, эришмоқчи бўлган натижаларни аниқлаш.
3. Маърузанинг номини (дастлабки) шакллантирамиз. Бунда анжуманнинг йўналиши ва мавзусига таянамиз.
4. Тезисларнинг тузилишини аниқлаймиз.
5. Олинган натижаларни таҳлил қилиш ва агар керак бўлса, уни тўлдириш.
6. Тақдим этилган далилларнинг мантиқий тузилганлигига ишонч ҳосил қилиш ва мақсадларга эришиш йўллари ёритиш.

7. Тезисни расмийлаштириш учун талаблар рўйхатини олиш.
8. Матнни тайёрлаш.
9. Матнни текшириш ва таҳрирлаш.
10. Маърузанинг калит сўзларини белгилаш. Барча талаблар ҳисобга олинганлигини текшириш.
11. Яна бир бор текшириш.
12. Якуний текшириш учун ваколатли шахс (илмий раҳбар ёки тақризчи)га топшириш.
13. Тайёр тезисларни анжуманнинг ташкилий қўмитасига юбориш.

#### **Тезисларни расмийлаштириш учун қоидалар:**

Идеал ҳолда, илмий раҳбар тезиснинг тўғри ёзилиши ва расмийлаштирилишига ёрдам бериши керак. У талабага наъмуна учун аввал чоп этилган тезисларни бериши мумкин. Агар ушбу идеал ҳолат бўлмаса- талаба анжуманнинг ташкилий қўмитасига мурожаат қилиши мумкин. Лекин бунда тезисларнинг хато ва камчиликлари бўлса, унда қўмитадагилар анжуманда маъруза билан чиқишга рухсат бермасликлари мумкин. Гап нафақат маъруза қилишнинг ўзида эмас, балки кейинчалик тезисни тўпلامда чоп этилишига рухсат бермасликлари мумкин [10].

Тезисларни расмийлаштиришга қўйиладиган асосий талаблар:

- шрифт - Times New Roman;
- шрифт ҳажми - 12-14 кегль;
- қатор оралиғи - 1,5;
- адабиётлар рўйхатини тузиш- ГОСТ 7.1-2003 стандартига асосан.

Тезисларнинг сарлавҳа қисми муаллиф ҳақидаги барча маълумотларини ўз ичига олади: ФИШ, ўқиш ёки иш жойи, яшаш мамлакати ва шаҳри.

#### **Адабиётлар**

1. Насиров, И. З. (2023). ИНСОН ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ДАРАЖАЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 21(4), 118-121.

2. САРИМСАКОВ АКБАРЖОН МУМИНОВИЧ и НАСИРОВ ИЛЬГАМ ЗАКИРОВИЧ (2022). ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ МУЛЬТИМОДАЛЬНЫХ ТРАНСПОРТИРОВОЧНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ// Saybold Report (TSRJ): Saybold Publications, Box 644, 428 E. Baltimore Ave. Том 17, № 08 (2022) | doi.org/10.5281/zenodo.6969371, с. 468-475. СМН, Пенсильвания, 19063. [editor@sayboldreport.org](mailto:editor@sayboldreport.org).

3. Насиров, И. З. (2023). КАФЕДРАДАГИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ТАЛАБАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. *PEDAGOG*, 6(2), 299-302.

4. Zakirovich, N. I. (2022). Parallel educational and scientific works in higher educational institution. *MASHINASOZLIK ILMIY-TEXNIKA JURNALI*, 517-522.
5. Насиров, И. З., & Капский, Д. В. На одного ребенка семь махаллы-родители!.... *Материалы*, 691-694.
6. Насиров, И. З. (2022, December). МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ. In *Conference Zone* (pp. 327-332).
7. Zakirovich, N. I. (2023). INSON QOBILIYATINI RIVOJLANISHINING DARAJALARI. *Journal of New Century Innovations*, 21(4), 118-121.
8. Насиров, И. З., & Сирожиддинова, И. М. (2023). «БУЗУҚ ТЕЛЕФОН» ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА МАШҒУЛОТЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ. *PEDAGOG*, 6(2), 291-298.
9. Насиров, И. З., & Зокиров, И. И. Обучение детей творчеству в семье. *Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и наука в XXI веке*, (14), 69-74.
10. Nasirov , I. (2023). CONDUCTING LESSONS IN THE “MENTAL ATTACK” METHOD. *International Conference On Higer Education Teaching*, 1(1), 86-89. Retieved from <https://aidlix.comphp/aeticle/view/90>